

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINIING
ҚАРОРИ

500 Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини фанлар бўйича турли халқаро ва республика олимпиадаларида, спорт танловлари ва мусобақаларида фаол иштирок этиш йўли билан ўзларининг билимлари ва кўникмалари даражасини мунтазам оширишга бўлган интилишларини рағбатлантириш, республикада спортнинг олимпия турларини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 10-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига «спорт мусобақалари» сўзларидан кейин «(спортнинг олимпия турлари, шахмат, шашка бўйича)» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 октябрь,
356-сон